

ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁНДА ШОДИҚУЛ ҲАМРО ИЖОДИ ҲАМДА ҲИКОЯЧИЛИК ТЕНЦЕНЦИЯЛАРИ ТАЛҚИНИ

Алфраганус университети
Махматкулова Зарина Нуриллаевна

Аннотация

Мазкур мақолада танили ёзувчи, ҳикоянавис Шодиқул Ҳамронинг “Ҳовлидаги дарахт” номли ҳикоясидаги сюжет ҳамда композицион ўзига хосликлар, ҳамда унинг адабий жараёнда тутган ўрни ҳақида сўз юритилади. Ёзувчининг бетакрор услубининг юзага келиши, инсон руҳиятини тасвирлаш манераси алоҳидалиги талқин этилди.

Калит сўз: ҳикоя, тасвир, образ, ифода, рамз, миф, ҳикоят, деталь

Инсон бадиий-эстетик олами шу қадар хилма-хил ва залворлики, уни ҳар қандай жанр камрови негизида талқин этиш адабиётшуносликнинг зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир. Шу боисдан ҳам, XX аср бадиий оламида жанрлар трақиёти ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган эмас. Антик юнон ҳамда миллий фольклор анъаналари негизида мукаммлашиб, эпосдан ўсиб чиққан адабий шакллар тамомила янгича руҳда идрок этилишига олиб келди. Жумладан, анъанадан – ноанъанага ўтиш, рамзлар, метафоралар, синтези, инсонни кашф этиш модуси ҳам турилча рангларда жилвалана бошлади. Буларни чуқур ўрганиш эса, ҳар биримизга катат илмий тайёргарлик ҳамда қувваи ҳофизани талаб қиладиким, бусиз кўзланган натижага эришиш қийинлашади. Ҳикоя серсув жанр эмас, унда биргина инсон қисматининг у ёки бу томони, маиший турмуши, жамият ҳаёти билан бевосита боғлиқ жиҳатлар ёритилади. Характерлар ана шу тарзда очиб берилади. Ҳикоянинг моҳиятида бир қатра воқелик ҳам баён этилиши, шу тариқа бутун мафкуравий сатҳ, семалар, моҳиятан юзага қалқиб чиқиши мумкин. Тобора сиқик бир ҳолатга келаётган мини матн, драбллар ҳам жанрнинг ўзига хос бадиий формаларни тайин этади.

XX аср тонготарида А.Қодирий, Чўлпон, А.Қаҳҳор, Ойбек, Ғ.Ғуломнинг сатирик, киноявий-пародик усулда ёзилган хилма-хил моҳиятга туташган ҳикояларда даврнинг оғриқларини кўз ўнгимизда намоён қилишимиз мумкин. Чунки даврнинг салмоғли характери ҳикояда, ҳикоянинг нима ҳақда эканлигидан одамларни билиб олишимиз мумкин. Ғарб адабий-эстетикаси саҳнида

саргўзаштилилиқ формалари аксланса, ўзбек адабиётида ана шу шаклларнинг оилавий-маиший қирралари (ота, она, фарзанд, муҳаббат) ўз ифодасини топажак.

Ғарб адабий-бадий тафаккурида ҳикоя ўзининг яшовчанлиги билан шуҳрат қозонди. Вақтнинг тифизлиги, глобал дунёда одамларнинг дунёқараши, инсоний муносабатларнинг жипслашуви, орзулар, оғриқлар, ҳаётий зиддиятлар ҳамда ботиний олам шукуҳи ҳар бир даврнинг метаморфозасини тайин этиши муқаррар. Одам боласи ҳар бир даврда юрак амри билан иш кўриши мумкин. Чунки вазият шуни тақозо этмоқдаки, ҳаётнинг пасту баланди, инсонлар руҳиятидаги узил-кесил ўзгаришлар, модуслар, талқин ҳамда тадбир бирликларида кечинмалар, орзулар ҳамда ўзига хосликлар янги давр адабий жараёнини ҳам бир қадар юксалишига замин яратди. Демак, ўзбек адабиёти мудоми таракқиётда, изланишда, уни Ғарб адабий-эстетик тафаккуридан у ёки бу даражада озикланиши, ҳикоя табиатини тўғри талқин этишга йўналтиради.

Ҳикоянинг назарий-илмий формаларига диққат қилинса, қисқалиқ ва ҳозиржавобликдир. Бундай дейишмимизга асосий сабаб, трагик вазият, драматик ҳолат, руҳий-ҳиссий зўриқишлар, одам ҳафсаласини пир қиладиган воқеликнинг ўзида сатирик руҳ, ижтимоий тенгсизлик, шафқат тушунчасининг йўқлоши, қаноат ва сабр-бардошнинг дарз этиши оқибатида рўй берадиган узил-кесил ўзгаришлар, адашишлар замон қаҳрамонининг кўнглидан ҳам, онги шууридан ҳам кечадиган масалалар инкишоф этилиши айни ҳақиқатдир. Замон ўзарди, одамларнинг руҳий зўриқишлари табиатан турфаланди. Ижтимоий насл-насаби, қадрият ҳамда миллат сажияси глобал иқлимга мослашилди. Шу тариқа инсонга бўлган муносабат тифизили рангинлашди.

“Ҳикоя, кўпинча, қаҳрамон ички дунёси, туйғулар реализми асосига қурилган бўлади ва ана шу туйғулар реализмининг намоён бўлиши асар ғояси, сюжет ва характерини белгилаб беради. “Инсон тақдири”(М.Шолохов), “Ҳаётга муҳаббат”(Жек Лондон), “рус характери”(А.Толстой), “Даҳшат”(А.Қаҳҳор) каби ҳикояларнинг мувафақиятини белгиловчи омиллардан бири туйғулар реализмидир.

Давр ва замон, муҳит ва шароит ўзгариши билан, тўғрироғи, уни ўзгартириш билан инсоннинг ўзи ҳам ўзгариб боради. бу эса инсоннинг инсонга, ҳаётга, жамиятга муносабати ўзгаришида кўринади. Бу ўзгариш эса, даставвал, унинг ички дунёсида рўй беради. ёзувчи маҳорати ички дунёдаги худди мана шу ўзгаришларни ўз вақтида кўра олиши ва сеза билишидадир. Ўз-ўзидан маълум бўлиб турибди-ки, замонавий асар яратиб, замонавий қаҳрамонни кўрсатиб

бериш учун уни туйғулар реализми аспектисиз тасвирлаш мумкин эмас”¹. Дарҳақиқат, туйғулар реализми – мифопоэтик ҳикояларда рамзлар, метафоралар негизида инкишоф қилинаркан, ёзувчи ҳар қанча модернист бўлмасин, ўқувчи ўз ботинидаги – нима рўй берди деган ҳақиқатга юзма-юз келади. Чунки реализм рамзаларнинг қанчалик мукамал ташкилланиши билан ифодаланади. Ҳикоя салмоғи, энг кичик бирликлар, детальлардан ҳам муҳим матн структурасида намоён бўлади. Матн ҳамиша ўз қолипида эмас, воқеликнинг изчил баёнида, ёзувчи нуқтаи назарида қайта “тирилтирилади”.

Шодиқул Ҳамро поэтик олами. Одамзод таибатида эзгулик билан ёвуқлик ҳисси қоришиқ ҳолда яшайди дейди Арасту ўзининг адабий қрашларида. Ёвузликнинг устидан зафар қозониш учун зиддиятлар бағрида одам боласи тобланади ёки аксинча нобуд бўлади. Иблис ва унинг одам қонига сингиб кетган фаолияти натижасида Одам ато ва Момо Ҳаво жаннатдан қувилди. Худонинг бандалари гуноҳ қилиши оқибатида унга дўзах эшиклари очиб берилди. Савоблари эвазига жаннат эшиклари кутиб туриши тайиндир. Ана шу зиддиятлар негизида ҳайрат ва ҳаяжон қоришиқлиги, бадий-эстетик тафаккур ўзига хослигини намоён этиши мумкин. Бироқ у қай тариқа ифодаланишига боғлиқдир. Адабий ҳодисалар ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Мукамал бадий асар ҳам йиллар давомида йғилган бой адабий тажриба, изланиш, англаш ва уни ифодалаш орқали эришилади. Жумладан, 90-йиллар бошида кириб келган Шодиқул Ҳамро ижодининг фалсафий-эстетик, рамзий-мажозий жиҳатлари Фарбу Шарк анъаналари негизида юзага келди десак, муболаға қилмаган бўламиз. Шу боисдан ҳам, ҳар бир эпик танлов қаршисида одамнинг ботиний ҳис-туйғулари ўз тажассумини топади.

“Мазмун ўта фаол ва ўзгарувчан категория бўлиб, шакл унга нисбатан барқарорроқ бўлади. Шунга қарамай, даврлар ўтиши билан айрим жанрлар “эскириб” қолади, яъни давр талабларига жавоб бера олмай қолади ва истемолдан тушиб қолади. Натажада, адабий жараёнга янги жанрлар кириб келади. Поэтик шакллардаги бундай ўзгаришлар ё соф миллий-адабий жараён тажрибасида, ё ўзга халқлар адабиётлари таъсирида вужудга келиши мумкин. Хуллас, адабий жараёнда ҳамма вақт янги бадий шаклларни кашф этиш, айрим шаклларни таждид этиш борасида тинимсиз ижодий изланишлар олиб борилади”, – ёзади проф.Б.Саримсоқов. бинобарин, ҳикоянинг анъанадан – ноанъанага ўтиши ҳам юқоридаги Б.Саримсоқов мулоҳазаларига уйғунлашади.

¹ Адабий тур ва жанрлар. 3-жилдлик. 1-жилд. –Т: “ФАН”, 1991. –Б.87.

Эскилик билан янги шакл орасида муайян тафовут мавжуд. Фикр, тафаккур, ўй, хаёл, мушоҳада негизида ёзувчи рамзларга бутун туйғуларининг ҳадсиз, чексиз реаллигини “яширади”. Санъатнинг умрбоқийлигини таъминлайдиган усуллар йиғиндиси ана шу модификациясини тартиблаштиради. Ҳаёт ҳақиқати мавжуд: эзгуликни енгиш, нафсни тийиш, яхшилик томона бўлиш ўша мезонларда жамдир. Ёвузлик эса табитан Иблис йўриғида ҳаёт кечирिशга одатланган бандаи ожиз, иймони суст, нафси ёвуқ кимсаларни атрофида тўпланишади. Шунинг учун ҳам янги давр ҳикоячилигида инсон тақдири, унинг орзулари, мақсадларини инкишоф қилиш муайян бўшлиқни тўлидиришга қаратилгани билан белгиланади.

90-йиллар адабий ҳаётига теран назар ташлайдиган бўлсак, ўзининг бир-биридан гўзал ва мафтункор, кишини ўйлашга ундайдиган ёзувчилардан бири Шодикул Ҳамродир. У Қашқадарё 1965 йил 13 октябрда Шаҳрисабз туманида таваллуд топган. Ҳаётнинг жуда мураккаб житларига теран назар ташлай олган ёзувчи инсон тақдирига жуда кўплаб ғоялар, размлар билан кириб борган, туш – ўнг адабиётини хилма-хиллашувини юзага чиқара олган ёзувчилардан саналади. Инсон унинг қисмати, дарди ва тақдири билан мафтун этди. Ёзиш ва изланиш ёзувчини янада кўпроқ изланишга етаклади. Шу боисдан ҳам, ёзувчининг муайян ҳаётий позицияси мукамал бир кўринишда рангилашди. Исмсиз қаҳрамонлари, тақдири, туш, тун ва одам боласининг изтироблари айни шу метафораларда эврилишлар мунтазамлигини ёдимизга солди. Адби янги ўзбек адабиётининг ўзига хос ёзувчиларидан бирига айланаркан, ҳаётда ҳамиша ғолиб томонда бўлишлиқни тақозо этади.

Проф.Қ.Йўлдошев бу ҳақда шундай ёзади: “Инсониятнинг завқи ўзгариши билан азалдан ўзигагина хос бўлишга интилиб келган ижодкорлар бадиий тасвир йўсинини ҳам янгилашга тутинадилар. Чинакам бадиий асар доимо ундан олдин яратилганига ўхшамасликка интилиш натижаси ўлароқ пайдо бўлади. Фикр, завқ ва диднинг янгиланиши бадиий ифода тизимини ҳам тўла ўзгартиришни тақозо этади. Адабиётда ўзгаришларнинг доимийлигидан бошқа ўзгармас нарса йўқдир. Модерн адабиёт инсон диди ва қарашларидаги ўзгаришлар ифодаси ўлароқ юзага келади. Олдинлари муваффақиятли ҳисобланган адабий шакл ёхуд услуб ўзлаштириб олиниб, унинг янги имкониятлари изланган бўлса, модернизмда олдин орттирилган тажрибаларни такрорламаслик асосий талабга айланди”². Кўриб ўтганимиздек, проф.Қ.Йўлдошев “Англашнинг азобли йўли”

² Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. –Т: “Янги аср авлоди”. 2006. –Б.151.

мақоласидаги мулоҳазалари модернизм оқимида Аллоҳ, ўзликни англаш нақадар оғир йўл экан бўлишига қрамай, одам боласи енгил-елпи қочиримлардан эмс, мураккаб фрагментлардан таркиб топган асарларни ўқиши муҳимлиги қабариб кўринади. Чунки адиб ана шу тамойил билан ўзининг ички, ботиний оламини қайта кашф этиб, ўқувчиларга тушуниксиз олам сирларидан ишоралар негизида кириб бориш, (лабиринтда ҳам кириш ва чиқиш эшиги бўлади!) ундан тайинли хулоса чиқаришни мақсад қилганлигида сезилади.

Шодиқул Ҳамро – ҳикояларида одамнинг адашишлари, ёлғизлиги, тушкунлиги ва ҳаётдан маъно излаб яшашга одатланган руҳият эгаларини тасвирлашни хуш кўради. Кейинги йилларда ёзилган ҳикояларида тушкунликдан – бахт ва нур излаган, Иблис йўриғидан озодликка чиққан, турфа мифлар негизида, эски асотирларни янгилай олганлигида қабариб кўринади. Масалан, “Тушимдаги Оловхон”, “Суратдаги аёл”, “Кушхонадаги воқеа” ҳикояларида – бир одам образининг турли хил кайфиятда олдинга интилиши, инсоният ҳамиша ўз йўриғида камол топиши, Аллоҳни унутмаслик, лоқайдлик ҳамда бефарқлик катта синовлар келтириб чиқаришини, энг муҳими ўзлигини излашда машақат, изтироб чекаётганлигини кўрамиз. Мана шу тамойил, ҳаётнинг барча қирраларини англашга имкон беради. Чунки одам ҳамиша ўзининг қобигида қоим. У муҳаббат ва нафратни ҳам, одамзод боласининг ранжу ташвишларини ҳам тўғри англаб, тушунтира олиши билан ўлчанади.

Шодиқул Ҳамро насри ўзбек адабий танқидчилигида О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, Ш.Холмирзаев, Қ.Йўлдошев, А.Расулов, Б.Каримов, Д.Қурононов, А.Улуғов, У.Жўрақулов, У.Ҳамдам ҳамда ёш тадқиқотчилар томонидан у ёки бу томонларини ўрганишган. Олимлар Ш.Ҳамро авлодининг модернистик кайфиятда ижод қилиш, эски асотирларни тубдан янгилаш модусларини талқин этиганлигидадир. Улар янги давр, “ўтиш замони”га мавзу, муносабат, мунозара бера олди.

“Қаҳрамон орқали ёзувчи ўзини тасвирлайди, – дейди С.Антонов. ёзувчи позицияси асарда катта аҳамиятга эга. Чунки унинг мавҳумлиги асар ғоясининг мавҳумлигига олиб келади. Ҳар бир бадий асарнинг озми-кўпми субъектив эканлиги, яъни унда ёзувчи позицияси муқаррар равишда ифодаланишини бундан юз йил олдин Белинский ҳам таъкидлаб ўтган эди. ёзувчи позицияси турли кўринишда: сюжетнинг автор тили билан изоҳлаб берилишида, қаҳрамон ички дунёсини кўрсатиш жараёнида, табиат ва портрет тасвири борасида намоён

бўлади. Бироқ автор позицияси китобхонга ақл ўргатиш деган гап эмас³. Ёзувчи позицияси ботинга кирган Шайтондан ҳазар қилиш, қочиш, уни нафс билан енгиш, имкон қадар ўзлик сари бориш, Аллоҳни таниш йўлида жидду жаҳд қилиш Шодикул Ҳамро қаҳрамонларининг олдида хилма-хил воқеаларни юзага чиқаради. Чунки ёзувчи ҳар қандай шароитда ҳам, муҳим бир оғриқли нуқталарни топа олади. Шахс ва жамият, унинг қадрияти, миллий сажияси, ори номуси ўлароқ мукаммаллашади. Адиб ҳикояларидаги тағмаъно ҳам аслида – Аллоҳни улуғлаш, таниш, ҳис этиш, нафс йўлида юрмаслик, “мен” тушунчасига алоҳида бир ёндашиш лозимлигини тайин этади. Демак, адиб инсон тақдирига ўта мукаммал ҳилқат сифатида қарайди.

Ёзувчининг “**Ҳовлидаги дарахт**” номли ҳикояси ўзбек адабиётида мифопоэтик талқин универсаллигини намоён этади. Биргина дарахт бутун олианинг, ота ва фарзандлар, бобосининг тақдири, миллат сажияси, ички бир ишонч мавқеи, руҳият, одамнинг самимияти, эҳтиёжнинг зўриқиши кабилар ўз ифодасини топган. Ҳикояда бир-бирини тўлдирувчи сюжет чизиқлари, воқеалар ривожи ҳамда дарахтнинг мева тугмаслиги, бадий композиция унусаларида, лирик чекиниш, киритма воқеа фонида инкишоф қилинади:

“Ҳовлимиздан оқиб ўтадиган ариқ лабидаги бу дарахт қишлоғимизда ягона ҳисобланарди. Дарахтнинг бўйи уйимиз томи билан тенг эди. у энига унча тарвақайлаб кетмаган, худди буталардек қадди тик, танаси ва шохлари эса раҳматли бобомнинг ҳассасидай сип-силлиқ эди. дарахтнинг кишини ҳайратга соладиган бир жиҳати бор. У йилда икки марта: баҳор билан куз бошларида гуллар, бироқ мева тугмасди.

Баҳорда дарахтнинг пуштиранг ғуж-ғуж ғунчалари ҳовлимизга ўзгача файз бахш этар, унинг шохидан кушлар аримасди.

Кузнинг бошларида гуллаши чиндан ҳам ҳайратомуз эди, одамлар бундай пайтда унинг атрофида ўралашиб, “Наҳотки, дарахт ҳам кузда гулласа”, – дея кўзларига ишонмай, қўллари билан нафис ғунчаларни ушлаб-ушлаб кўришарди.

Яна шуниси қизиқки, ҳеч ким, ҳато отам ҳам унинг қанақа дарахт эканини билмас эди. биз болалар унинг энсиз, кичик баргларида, текис шохларига қараб гилосга ўхшатардик ва ўзимизча уни гилос деб атардик. Аслида гилос эмаслигини билардик... Дарахт отамга бобомерос ёдгорлик ҳисобланар, шу сабабли уни ниҳоятда авайларди. У биздан ҳам шуни қаттиқ талаб қиларди”⁴

³ Адабиёт назарияси. 1-жилд. –Т: “ФАН”. 1992. –Б.88.

⁴ Шодикул Ҳамро. Кўк кўл. –Т: “Янги аср авлоди”. 2025. –Б.3.

Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида композиция поэтикаси борасида тадқиқот олиб борган Комил Ҳамраев қўлланилган сарлавҳани тўрт гуруҳга бўлиб ўрганиш муҳимлигини таснифлайди. Булардан биринчиси, **ҳикоядан ўсиб чиқувчи сарлавҳа**, иккинчиси **мажозий сарлавҳа**, учинчиси **руҳий-эмоционал сарлавҳа**, тўртинчиси **хронотоп сарлавҳа**⁵. Мазкур таснифлашни янада кенгайтириш мумкин бўлади. Чунки **туш-ҳикоя** ва **мифологик** талқин негизида ҳам муайян даражада асар мавзусини қайта идрок қилиш ишонччи оқлайди.

Умуман, ҳикоя муқаддимасида – дарахтнинг жойлашув тартиби ва унинг қандайлиги ҳақида сўз бораркан, воқелик шиддатли ва изчил равишда тус олади. Адиб ана шу модусга алоҳида маъно юклайди. Дарахт – отасининг отасидан бобомерос экан, уни авайлаб-асраш, оила файзи барокатунинг бир қисми эканлигини далолатлайди. Шу боисдан ҳам, ёзувчи ана шу тамойилга амал қиларкан, ҳикоячи (ровий) образи билан воқеликни жиддий назорат қилиб боради. Ҳикояда ёзувчи бошқа асарларидаги бўлгани каби – мифдан унумли фойдаланади. Миф ёзувчига ниҳоятда катта имкониятлар эшигини очиб беради. Чунки ёзувчи ботинида қахрамонларга таъриф, тавсиф бераркан, ўғрилиқ, каззоблик, нафс тушунчаси ҳали ҳамон одам руҳиятида яшаши, жамиятни пароканда ҳолатга олиб келиши муқаррар эканлигини ҳам тасвирлаб боради. Айниқса, отасининг – дарахтни ҳассадан тутиб ўтказганлиги, бироқ бу Аллоҳнинг хоғиши билан ниш уриб. Илдиз отиб, кўкариб кетиши ҳақидаги миф поэтик конструкцияни реаллаштиради. Ёзувчи нуқтаи назари, одамларнинг унга қизиқиши, келгидинди – муҳожирнинг назар-суқи, ҳамда қайсидир душманнинг илдизига қуритидагиан дори бериб кетиши ҳам ўзига хос юзага чиқади. Шунини қайд этиш лозимки, ҳикояда жамики унсурлар ҳаётий зиддиятлар, воқелик, умид ва ишонч масаласи инсон дунёқарашининг ажралмас ҳалқаси, руҳияти, кайфиятини белгилаб бериши дарахт тимсолида очикланади.

⁵ Ҳамраев К. Ҳозирги ўзбек ҳикоясида композиция поэтикаси. Филол. Фанлари бўйича. фал. док. автореф. –Т: 2018. –Б.18.